

Qishloqchilik

НАУЮТИ

O'zbekiston Respublikasi ijtimoiy-iqtisodiy gazetasi

1974 yil 1 yanvardan chiqqan boshlagan

№ 88 (7.081). Sotuvda erkin narxda

Эл-юртимиз хирмони донга, кўнгилларимиз қувончга тўлиб турган мана шундай хурсандчилик кунларда барчамиз қўли қадоқ, кўпни кўрган, бошидан не-не синовларни ўтказган заҳматкаш деҳқонларимизнинг меҳнат жасорати олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Ислом КАРИМОВ

Ўзбекистон Ғаллакорларига

Қадри дўстлар!

Авваламбор, ришқ-рўзимиз бунёдкори бўлган сиз, азиз деҳқон ва фермерларимизни 6 миллион 100 минг тоннадан зиёд юксак ғалла хирмони бунёд этганингиз билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Бизнинг неча ўн йиллар давомида орзу ва ҳавас қилиб келган ғалла мустақиллигига эришганимизни кейинги етти-саккиз йил мобайнида амалда тасдиқлаб келаётганимизни, бундай улкан ютқингиз аҳамияти ва моҳиятини ғалла деган, нон деган бебаҳо нэматдан баҳраманд бўладиган ҳар қайси инсон, шу юрда яшайдиган ҳар қайси оила сўзсиз чуқур англайди ва юксак баҳолайди, десак, айна ҳақиқатни айтган бўлаемиз.

Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилгига нисбатан ғаллачиликда ҳосилдорлик 4,5 баробар, яъни ҳосил микдори эса 6,5 баробар ошгани бу борада қандай тараққийот йилни босиб ўтганимизни, заҳматкаш ўзбек деҳқонининг қандай буюк ишларга қодир эканини аққол кўрсатиб турибди.

Бир пайтлар тасаввур қилиш ҳам қийин бўлган бундай катта марралар авваламбор Яратганимизнинг ўзи «Сендан - ҳаракат, мендан - баракат» дея маддадор бўлгани, ҳалқимизни бало-қазолардан асраб, йўлимизни очиб бергани эвазига қўлга киритилганини ҳеч қачон унутмаслигимизни истардим.

Бундай улкан ютқ замирида кечани - кечга, кундузни - кундуз демасдан, ўтган йилнинг куз фасли ва жорий йил баҳоридagi сув тақислиги, жазирама иссиқ, жала ва ёмғирлар билан боғлиқ қийинчиликларга қарамадан, мўл ҳосил етиштирган мард, лафзи ҳалол деҳқонларимиз ва фермерларимизнинг азму шижоати ва фидокорона меҳнати мужассамдир.

Шу борада таъкидлаш жоизки, бугунги кунда одамларимизнинг онгу тафаккурида рўй бераётган ижобий ўзгаришлар, деҳқон ўзини ернинг, мулкнинг ҳаққий эгаси, қишлоқдаги ҳал қилувчи куч сифатида ҳис эътавгани, унинг меҳнатга, ҳаётга бўлган фаол муносабати, манфаатдорлик ва масъулият туйғуси кучайиб бораётгани иқтисодий ҳаётда, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида ана шундай юксак марраларга эришишда асосий мезон ва омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Қишлоқ ахлининг дунёқарашидagi бундай туб ўзгаришлар ўз навбатида аграр соҳада хенг қўламли ислохотларни, замонавий бошқаруving самарали усул-усулларини, илгор технологияларни жорий этишда, ер билан тиллашиб яшайдиган ин-

сонларда изланувчанлик, ташаббускорлик ва тadbиркорлик фазилатларини уйғотишда намоён бўлмоқда.

Айни пайтда қишлоқ ҳўжалиги соҳасида ишни мутлақо янгида асосда - бозор иқтисодиёти талабларига мос равишда тахсил этиш, ҳўсусли мулкни изчил ривожлантириш, шу мақсадда фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб бериш, давлат томонидан уни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, фермер ҳўжалиқларига зарур моддий-техник ресурсларни ўз вақтида тўла етказиб бериш, улар етиштирган маҳсулотни реализация қилишда тегишли кўмак ва имтиёзлар яратиш боришида амалий ҳаракатлар ҳам муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу йилги етиштирилган ҳосилнинг 81 фоизи фермер ҳўжалиқлари томонидан тайёрлангани ҳам фермерлик ҳаракатини қишлоқда том маънодаги етакчи ва кудратли кўчга айланиб бораётганидан далолат беради.

Азиз дўстларим, биродарларим! Бугун даладаримизда сизларнинг пешона терингиз билан етиштирилган мўл ҳосилни ҳалқимизнинг энг катта ютуғи, десак, ҳеч қандай муболага бўлмайди. Бу юксак ва баракали хирмон нафақат давлат эҳтиёжларини бажариш, шаҳар аҳолисини, ишчи-хизматчиларимиз, ҳарбийларимизни дон маҳсулотлари билан таъминлашга, айни пайтда қишлоқ ахлининг ертўралари, омборларини ғалла билан тўлдирishга, энг муҳими, ҳалқимизнинг ризкин бутун, дастурхонини тўкин қилишга, эртанги кундан кўнгли тўқ бўлиб яшашга хизмат қилишини, уйлайманки, ҳаммамиз яхши тушунамиз.

Эл-юртимиз хирмони донга, кўнгилларимиз қувончга тўлиб турган мана шундай хурсандчилик кунларда барчамиз қўли қадоқ, кўпни кўрган, бошидан не-не синовларни ўтказган заҳматкаш деҳқонларимизнинг меҳнат жасорати олдида бош эгиб таъзим қиламиз.

Бундай улкан меҳнат ғалабасига ўзининг фидокорона меҳнати билан муносиб ҳисса қўшган барча-барча касб эгаларига чин қалбимдан самимий миннатдорлик билдираман.

Хорманг, меҳнатингизнинг роҳатини кўринг, азизларим, топганингиз яхши кунларга буюрсин! Хонадонингиздан тинчлик-хотиржамлик, файзу барақа, бахту саодат аримасин!

Ҳеч қачон кам бўлмаган, қадрдонларим!

Ислом КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Қайд этиб ўтилсинки, кўрилатган чораларга қарамай, таркибида рангли металл бўлган механизм ва агрегатларни талон-торож қилиш билан боғлиқ ҳўқуқбузарлик фактлари, рангли металл парчалари ва чиқиндиларини яширинча тайёрлаш, уларни мамлакат ташқарисига контрабанда йўли билан олиб чиқиб кетиш ҳоллари учраб турибди.

“Ўзқилламчиранглиметалл” ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари рангли металл парчаларини тўлиқ йиғиб олиш, темир-терсак топириувчилар билан шартномаларни ўз вақтида тузиш, уларни рағбатлантиришини таъсирчан тизимини жорий этиш бўйича зарур чораларни кўрмаптилар.

Рангли металл парчалари ва чиқиндиларининг ҳосил бўлиши ҳамда улардан фойдаланиши ҳисобга олиш ва ҳисобот бериш, улар айлинишини назорат қилишининг тегишли тизими мавжуд эмас.

Кўрсатиб ўтилган камчиликларни бартараф этиш, рангли металлларнинг ноқонуний айланishiга чек қўйиш, уларнинг фаолият кўрсатаётган ишлаб чиқариш қурилмаларидан ўриланишининг олдини олиш, шунингдек рангли металл парчалари ва чиқиндиларини ҳосил бўлиши ҳамда улардан фойдаланиш тўлиқ ҳисобга олинишини таъминлаш, уларни комплекс ва чуқур қайта ишлаш корхоналарини ривожлантириш мақсадида:

1. “Ўзқилламчиранглиметалл” ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари акциядорлари ҳамда катнашчиларининг:

“Ўзқилламчиранглиметалл” ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини 1-иловага мувофиқ қайта ташкил этиш ва уларнинг негизда “Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи” очик акциядорлик жамиятини ташкил қилиш;

“Ўзқилламчиранглиметалл” ОАЖнинг рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қабул қилиш ва тайёрлаш пунктларини 2-иловага мувофиқ, белгиланган тартибда тутатиш тўғрисидаги тақлифлари қабул қилинсин.

Белгилансинки, “Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи” ОАЖ Вазирлар Маҳкамасига ҳисобот беради ҳамда “Ўзқилламчиранглиметалл” ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларининг ҳўқуқ ва мажбуриятлари бўйича, шу жумладан жалб этилган кредитлар бўйича ҳўқуқий вориси ҳисобланади.

2. Қуйидагилар “Тошкент

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

Рангли металл парчалари, чиқиндиларини йиғиш, тайёрлаш ва қайта ишлаш тизимини такомиллаштириш тўғрисида

рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи” ОАЖнинг энг муҳим вазифалари ва функциялари деб ҳисоблансин:

рангли металл парчалари ва чиқиндиларини комплекс равишда чуқур қайта ишлаш, республика истеъмолчиларининг ишлаб чиқариш эҳтиёжлари ҳамда экспортга етказиб беришни кенгайтириш учун улардан прокат, қотишмалар ва тайёр маҳсулот ишлаб чиқариш боришида тизимли ишларни ташкил қилиш;

мавжуд қайта ишлайдиган қувватларни модернизациялаш ва техник жиҳатдан қайта қурулантириш, рангли металлларни қайта ишлашининг замонавий юксак самарали усул ва технологияларини татбиқ этиш;

рангли металл парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш ҳамда уларни темир-терсак топириувчилардан қабул қилиш, шу жумладан рангли металл парчалари ва чиқиндиларни мунтазам ҳосил бўлиб турадиган юридик шахслар билан фьючерс шартномаларини тузиш йўли билан тайёрлаш ва қабул қилишининг аниқ-пухта тизимини ташкил қилиш;

топириладиган рангли металл парчалари ва чиқиндиларни учун фақат юридик шахслар - темир-терсак топириувчилар томонидан темир-терсак ҳамда чиқиндилар топирилишини рағбатлантирувчи эркин (шартномавий) нархлар бўйича ҳисоб-китоблар тизимини жорий этиш.

3. “Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи” ОАЖ бошқаруви ҳодимларининг чекланган сон 24 кишидан иборат бўлган бошқаруви аппарати тузилмаси 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

“Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи” ОАЖ Бош директори Вазирлар Маҳкамаси билан келишилган ҳолда акциядорларнинг умум-

ий йиғилиши томонидан тайинлаши белгилаб қўйилсин.

4. “Ўзқилламчиранглиметалл” ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини қайта ташкил қилиш билан боғлиқ масалаларни ҳал этиш учун 4-иловага мувофиқ тартибда махсус комиссия тузилсин.

Махсус комиссия:

ики ҳафта мuddатда “Ўзқилламчиранглиметалл” ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмаларини қайта ташкил этиш бўйича комплекс чора-тадбирларни амалга оширсин;

“Ўзбекистон Республикаси Давлат мулк қўмитаси билан биргаликда “Тошкент рангли металл парчалари ва чиқиндиларини қайта ишлаш заводи” ОАЖ Устав жамғармасини шакллантиришга, акциялар пакетининг 51 фоиз микдори-ни давлатда сақлаб қолган ҳолда уларни қайта ташкил қилиш, шунингдек Уставни тайёрлаш ва рўқбатдан ўтказишга қўмақлашсин;

бир ой мuddатда “Ўзқилламчиранглиметалл” ОАЖ ва унинг ҳудудий бўлинмалари балансида бўлган мол-мулкни хатловдан ўтказсин ва ундан янада самарали фойдаланиш тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг Раиси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимлари, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув ҳўжалиги вазирлиги, Мудофаа вазирлиги, “Ўзбекистон темир йўллари” давлат-акциядорлик компанияси, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” миллий авиакомпанияси, “Ўзбекэнерго” давлат-

акциядорлик компанияси, “Ўзбекнефтьга” миллий ҳолдинг компанияси, Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда бошқа идора ва ташкилотларнинг раҳбарлари рангли металллар, уларнинг парчалари ва чиқиндилари айлиниши боришида ўрнатилган тартибда ривоз этилишини таъминлаш учун шахсан жавобгар эканликлари тўғрисида оғохлантирилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Ички ишлар вазирлиги, Давлат божхона қўмитаси:

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоят, шаҳар ва туман ҳокимликлари билан биргаликда таркибда рангли металл бўлган усуналар, парчалари ва чиқиндиларини яширинча қабул қилиш пунктлари фаолиятига ҳамда уларни Ўзбекистон Республикаси ташқарисига олиб чиқиб кетишга уриниш ҳолатларига чек қўйиш бўйича амалий чора-тадбирлар қабул қилсин;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги, бошқа манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда бир ой мuddатда рангли металллар, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш, фойдаланиш ва сотиш қоидаларини бузганлик учун маъмурий ва жиноий жавобгарликни кучайтириш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин;

Ўзбекистон Миллий телерадиокорпорацияси билан биргаликда рангли металллар, уларнинг парчалари ва чиқиндиларини тайёрлаш, сотиб олиш, фойдаланиш ва сотиш қоидаларини бузилишининг олдини олиш ҳамда унга қарши курашиш бўйича олиб борилаётган ишлар телевидение орқали мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари Э.Р.Шоимсатов зиммасига юксалсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2006 йил 18 июл

Хирмон донга, кўнгил қувончга тўлади

Инсон ҳабтини нонсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Эҳтимол, гўшсиз, сут-қатқисиз, борингки, ёғсиз ҳам маълум мuddат яшаш мумкин. Лекин нонсиз яшаш кўринг-чи... У шундай лазиз нонматки, қанча есангиз ҳам кўнглингизга урмайди...

Шу кунларда юртдошларимизни бир кузатинг-а. Қайфиятлари чоғ, руҳлари тетик. Ахир омборлар донга тўлди. Республикамиз ғаллакорлари 6 миллион 100 минг тоннадан зиёд юксак ғалла хирмонини бунёд этишди. Мамлакатимизда мустақилликнинг дастлабки йилгига нисбатан ғаллачиликда ҳосилдорлик 4,5 баробар, яъни ҳосил микдори эса 6,5 баробар ошди. 2006 йил илгор фермерлар ҳосилдорлигини 75-80 центнерга етказдилар.

Ғаллачиликдаги бу муваффақиятларнинг сирини нимада? Шубҳасиз, бунинг бош омил мамлакатимизда ғалла мустақиллиги миллий Дастурини бажариш боришида комплекс ишлар изчиллик билан амалга оширилаётганидир. Чунончи, юқори сифатли уруғлик ўзи-



Ифтихор

мизда етиштирилиши йўлга қўйилди, агротехнологиянинг илгор усуллари жорий этилиб, қишлоқ ҳўжалиги ҳодимларининг меҳнати доимий рағбатлантириб келинаётган. Натияжада бошоқли дон экинларини етиштириш микдори ошиб, ҳосилдорлик кўтарилмоқда.

Донишмандан “Фарзанд тарбиясини қачондан бошлаган маъқул?” деб сўрашганида, “Она қорнида чоғидаёқ”, деган жавобни берган экан. Деҳқончиликда ҳам худди шундай. Мўл ҳосилга тамал тоши ерни экишга тайёрлашдан бошлаб қўйилади. Экиш ишлари эса Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 23 августдаги “2006 йил ҳосили учун кузги бошоқли дон экинларини экиш, навларни жойлаштириш ва харид қилишининг тахсил қайта-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосида амалга оширилди. Асосий майдонларга юртимиз тупроқ иқлим шароитига мос, касалликларга бардошли, шунингдек,

ҳосилдор “Крошқа”, “Половчанка”, “Чиллаки”, “Қупава”, “Уманка”, “Қраснодар-99”, “Пал-Пич” каби ҳориж ва маҳаллий навлар экилди.

Ғалла парвариши, агротехник тadbирлар мутахассислар маъсалайти, илгор тажриблар асосида олиб бориладигани туфайли деҳқончилик учун бироз ноқулай келган бу йилги об-ҳаво шароитида ҳам баракали ҳосил олишга эришилди. Деҳқонларнинг айтишича, табиат уларни ҳар йил ҳам синовдан ўтказди. Ҳамма гап табиат инжиқликларини вақтида илғаб, унинг чорасини топишда, омилкорликда.

Мутахассисларнинг фикрича, ғалла парваришида қадимий усул қўлланмай, яъни, қишнинг қаҳратонида маҳаллий ўғит сеппиб, кўчатлар тўлиқ сақлаб қолинган бўлса, озиклантиришда қиммий ўғитлар билан бирга шарбат оқизилди.

(Давоми 2-бетда)

Ўзбекистонимиз Истиклолга эришгандан кейин пахтачилик соҳасида туб иқтисодий ислохотлар амалга оширилди. Аввалги даврлардагидек, тонналар кетидан қувишга, сохта дабдабабозликка, “фалончи фалончиевичнинг шарафига режага қўшимча шунча тонна ҳосил топириб, оширилган мажбуриятимизни ҳам ортиғи билан бажарамиз” деган сохта, тузсиз шийорларга, “бақирик-чақирик”ларга бутунлай барҳам берилди. Пировард натижа, иқтисодий самара, пахта етиштирувчи деҳқон манфаати асосий мезон қилиб олинди.

Ер деҳқоннинг қўлига ишониб ишлаётганини ўзи ҳам билмаган пахтакор деҳқон энди қанча ҳосил етиштирсан қанча манфаатдор бўлишини, қанчалик мўл, сифатли, таннархи ар-

пахта хирмонининг асосий қисмини топирилди. Аввал кимга, нимага ишлаётганини ўзи ҳам билмаган пахтакор деҳқон энди қанча ҳосил етиштирсан қанча манфаатдор бўлишини, қанчалик мўл, сифатли, таннархи ар-

ти ҳосил тўлланапти. Ғалнинг сирасини айтганда, айни кунларда кузда кўтарилажак “оқ олтин” хирмонларининг салмоғини белгилаб берадиган, кўп жиҳатдан ҳосил тақдирини ҳал этадиган тизимдан-тиғиз, ҳар бир фурсати тиллога тенг долзарб дамлар бошланди.

Бободехқонларимизнинг “Асад - экиннинг ясади” деган ҳикматомуз гапи бор. Бу беҳиз эмас. Худди шу кунларда ҳосилни “ясадиб”, яъни парваришни кучайтириб ҳосилга ҳосил қўшим ҳам, аксинча бор ҳосилни йўқотиб қўйиш ҳам мумкин.

Бугун “оқ олтин” хирмонларининг салмоғини баракали қиладиган, йил бўйи қилинган меҳнат эвазига етиштирилган ҳосил тақдирини ҳал қилувчи тиғиз, масъулиятли дамлар бошланди.

Эртага асад қиради

демак экинни ясатадиган, ҳосилга ҳосил қўшадиган дамлар бошланди

зон ҳосил олса шунчалик барақа топишини, қозони ҳам, чўмичи ҳам мойга ботишини яхши билади. Аввал, пахтачининг даромади-ю бурмомади у ёқда турсин унинг чигитидан ажратиб олинадиган маҳсулотларда-да эгаллик қилишни етти уҳлаб тушида ҳам кўрмаган пахтакор энди ўзи етиштирган хомашедан чиқадиган ёғни, кунжара, шулха каби қундалик заруратга айланган, эҳтиёжталаб маҳсулотларни тарозидан ўтказиб, грамм-граммига қўйиб оладпти.

Дарҳақиқат, улуғ Истиклол барча соҳалар қатори пахтакорларга ҳам том маънода эркинлик берди. Пахтакор меҳнатига яраша қадр-қиммат топди. Пахтачилик янги техника, технологиялар билан бойиб, чинакам ривожланиш, тараққийнинг оидин йўлига кириб олди. Бугун мамлакатимиз

толар, бошқа маҳсулотлар тоғу тошлар, уммонлар оша етти иқлимга етиб бораётгани, дунёнинг турли чеккаларида, турли тилларда Ўзбекистон пахтаси эътиборга этилаётгани бу - ҳар бир ўзбекка, ўзбекистонликка гурур, сурур бағишлайди.

Бугуннинг гапи

Ҳосилга ҳосил қўшиш дегани ҳар бир туп ғўза билан “тиллашиб”, ҳолатига қараб парваришлас дегани. Суғориш, қультивация, чеканка, ҳосил зараркундаларига қарши курашиш каби ҳар бир агротехник тadbирлар ўз вақтида, беками кўст амалга ошириш дегани.

(Давоми 2-бетда)

Шифобахш ичимликлар

Чалоб

Чалоб - ҳарорат ҳовурини кесадиган, маълум даражада энгил, татимли таом ҳисобланади. Қашқадарь ва Сурхондарё воҳасининг тоғли хонадонларида тушки овқатда дастурхонга чалоб тортилади. Юсак дид билан тайёрланган чалоб "ёниб" турган аъзоларнинг тафтини олибгина қолмасдан, балки иштаҳага йўл беради, ейилган таомларнинг сингишига ёрдам беради. Мазкур ичимликни тайёрлашда қатик қайнатилиб, сову-

тилган сув билан обдон араштирилади ва ёғоч чўчим билан шопирилади, сўнгра тазьга қараб туз, лозим кўрилса зирвор ва қўқатлар майдаланиб қўшилади. Бу билан чалобнинг чанқобосдлик хислати ва шифобахш таъсирчанлиги ошади. Чунончи, ошрайхон, ҳожарайхон, садарайхон, шивит, кашич, лимонут кабилар майда тўғралган ҳолда қатикқа қўшилади. Мазкур ошқўқлар кишига тиним бағишлайди, мудроққа мойиллик яратди, бироз уйку тортадиган бўлса, мароқли ҳордиқ бағишлайди. Мабо-

Фельетон

Олим йўрға

Кўқилгина қадди-бўйи, Зогга манзар ранги рўйи, Борми-йўқдек бошда мўйи Олим йўрға, Олим йўрға.

Шайтонгами яқин жўра, Айтса неки, тонар сўнгра, Дилгинаси нақ кир ўра Олим йўрға, Олим йўрға.

Сўяги йўқ ёлгонга-е, Ботмон юкдир толганга-е, Ушар қумли толқонга-е Олим йўрға, Олим йўрға.

Кўзида жин болаган, Жисмига жин оралаган, Жинларини ёр айлаган Олим йўрға, Олим йўрға.

Эр кишида ор бўлади, Эл ишига нор бўлади, Ёмгир, деса, қор бўлади Олим йўрға, Олим йўрға.

Тақа-тумдир, тақа-тумдир, Ўта айёр, ўта шумдир, Кўринса мард, шу дам гум Олим йўрға, Олим йўрға.

Минг бир говга келса-да дуч, Сарф айлағай йвгога куч, Ёнгоқ чакса, чиқади пуч Олим йўрға, Олим йўрға.

Билман, кимга аймоқдир-е, Нақ биҳиҗан шалтоқдир-е, Олтинчи бир бармоқдир-е Олим йўрға, Олим йўрға.



Ямин ҚУРБОН

SPORT O'LAMIDA

Боксчиларимиз Германияда

19 июл куни Ўзбекистон ёшлар бокс терма жамоаси Германияга жўнаб кетди. У ерда Мансур Махмудов шогирдлари Бранденбург Кубоги баҳсларида ўз кучларини синаб кўришади. Терма жамоа тарихидан Баҳром Хидиров (48 килограмм), Орзубек Шоимов ва Рустам Мустанов (иккаласи ҳам 54 килограмм), Санжар Холиқулов (81 килограмм), Ахор Муралимов (91 килограмм) ҳамда Умид Тоҳиев (91 килограммдан юқори)лар жой олишган. Шунингдек, мазкур мусобақада халқаро тоифали ҳакам Обид Зоқиров ҳам жанглари бошқариб бориш учун таклиф этилган. Ҳали ва совриндорлар 25 июлда маълум бўлади.

Чемпионат якунланди

Тошкент шаҳрида 1985 ва ундан кейинги йилларда тузилган спортчилар ўртасида пневматик қуролдан ўқ отиш бўйича Ўзбекистон биринчилиги бўлиб ўтди. Тўпқончадан ўқ отиш баҳсларининг ғолиблиги қизлардан Мария Телповага насиб этган бўлса, ўғил болалар орасида Азиз Муҳаммадраҳимовга тенг келадиган рақиб топилмади. Пневматик милтиқдан ўқ узиш мусобакларида эса Яна Фатҳи ва Андрей Журавлёвлар ғолибликни кўлга киритди. Шу билан бирга, совриндорлар қаторидан Лола Раҳмонова, Гўзал Юлдашова, Владислав Ситников, Вячеслав Мартинов, Сокина Мамедова, Екатерина Ивко, Акбар Жалолов, Сардор Тожибоевлар ҳам жой олишди.


Ойдиннинг жаҳли ёмонми?

Ҳар жабҳада бўлганидек, спортчилар ичнда ҳам хурмача қилликлар билан муҳлис ва мутахассислар эътиборини ўзига тортадиганлари топилди. Ана шундай ортикча харақатлари билан оммани ўзига қаратган туркиялик ҳаваскор боксчи Ойдин Селчук 5 йил спортдан четлаштирилди. Вокса 17 июл куни Болгариянинг Пловдива шаҳрида содир бўлди. Селчук Буюк Британиялик Франклин Гвингга имкониятни бой бера бошлагач, кўпол равишда қонда бузди. Вазиятни тўғри баҳолаган ҳакам боксчини мусобақадан четлатди. Бундан газабланган Ойдин реферига бақриб,

кўқопини отди ва залдаги реклама афишаларини синдириб ташлади. Қизқарлиси, воксаи кузатиб турган Ойдин Селчукнинг устози ҳам шогирдининг ёнини олиб, ҳакамга бир-икки мушт туширди. Албатта, бу Европа хаваскор бокс ассоциацияси раҳбарларини бефарқ қолдирмади ва Ойдин Селчук қилмишига яраша жазоланди. Унинг муштумзур мураббийи эса бир умрга спортдан четлатилди.

Шумахернинг иштаҳаси очилди

АҚШ Гран-присида ғалаба қозongan "Формула-1" пойғалари бўйича отти карра жаҳон чемпиони Михаел Шумахер Францияда марра чизигини биринчи бўлиб кесиб ўтишга муваффақ бўлди. Кўпчилик саралаш баҳсларида "Ferrari"ни орта қолдирган "Renault" пойғачиларини Маньян-Кур (Франция) Франсаларида омади чопади деб ҳисоблашганди. Лекин АҚШ даги ғалабадан сўнг Шумахер ўзига бўлган ишончини яна қайтара олган кўринади. Чунки Францияда кўзгалаш чизигидан ҳаммадан олдинга ўтиб олган Михаел финишгача ўз устуңлигини сақлаб тура олди. Иккинчи бўлиб унинг жамоадоши Фелипе Масса етиб келди. Амалдаги чемпион Фернандо Алонсо ("Renault") эса учинчи бўлиб мусобақани якунлади. Якунланган ўшбу боксчидан сўнг чемпионатда етакчиликни ҳамон испаниялик спортчи Ўзида сақлаб турибди. У 17 оқо тафовут билан германиялик пойғачидан олдинда бормоқда. "Renault"нинг бошқа бир аъзоси Жанкарло Физикелле ҳисобида эса 46 очко бор ва у ҳозирча учинчи бўлиб турибди. Мутахассислар бу йилги чемпионат ғолиблиги Шумахерга насиб этиши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. Шумахернинг кетма-кет икки ғалабасидан "Формула-1" эгаси Берни Эклстоун ҳам хурсанд. Чунки у муҳлисларнинг чемпионатга қизиқиши яна орта бошлашини пайкаган ва кейинги Хоккенхайм Гран-присида муҳлислар сони ортишидан умидвор. Бунинг ўзига яраша сабаблари бор, чунки энди "Формула-1" пойғалари чипталари нархи яна кўтарилди ва бу Эклстоун учун даромад ошди дегани.



Фазлиддин АБИЛОВ тайёрлади.

Қисқа сатрларда

Бокс. WBC версияси энгил вазнда собиқ жаҳон чемпиони Стив Жонстон 29 июл куни Калифорния штати Санта-Генёс шаҳрида Виван Харрисга қарши рингга кўтарилди. Баскетбол. Миллий баскетбол лигаси "Бостон Селтикс" клуби сардори Пол Пирс жамоаси билан амалдаги шартномасини узайтирди. АР хабарига кўра, Пирс 2010-2011 йилларга қадар "Бостон Селтикс"да қолади ва бу вақт ичнда у 59 миллион АҚШ доллари миқдорда иш ҳақи олади. "Bobcats Sport & Entertainment" компанияси ижрочи директори Фред Уитфилд афсонавий баскетболи Майкл Жордани "Шарлотт Бобкэтс" клубига президентлик лавозимига таклиф қилди.

Айронингдан бермасанг...

Ўлкамиз аҳли қадим-қадимдан айни саратоннинг жазираларида қанқобосд, киши асабини сокинлаштирувчи омил сифатида ичиладиган айронини жуда қадрлаганлар. Қатик ёки сузмага, аявало, озгина қайнатилиб совутилган сувдан қўшиб ёғоч қошиқ ёки чўчим воситасида обдон араштирилади. Қатик ёғоч сузмага қаймоқдек майин тортиганидан кейин хийла каттароқ идишга солиб, устига совутилган сув қўйиб, яна бир бор аталаниб, шопирилади. Сув ортиқча бўлмаса, совутишда совутиш ёки тайёр айронга бўлак муз солиш мумкин. Шароитга қараб, амалиётда фойдаланиш мумкин бўлган айроннинг яна бир тури мавжуд бўлиб, у айроннинг татимлиги ва хуштамлиги билан фарқланади. У қатинчур қуви (гупти)да мойи ажратиб олиганидан кейин қолган суюқ қисми ҳисобланади.

Айрон таркибиде 1 фоиз атрофида киши аъзоларига энгил сингидиган мой, 13,3 фоиз оксил, 5 фоиз атрофида қанд моддалари ҳамда инсоннинг ҳаёти фаолияти учун ниҳоятда зарур бўлган дармондорилар мажмуаси, аминокислоталар, фермент ва маъданий унсурлар жамламаси бўлади. Айрон ҳорғин киши табиатига маълум даражада тетиклаштирувчи таъсир кўрсатиши билан бирга, асаб торларини сокинлаштириш хусусиятига ҳам эга. Айрон ёши муборак кишилар учун янада фойдали, ичимлик таркибиде мавжуд калций ва фосфор унсурлари эса суюқ тўқималарини мустаҳкамлашишга мойиллик яратди, ёш организмнинг соғлом ўсишини таъминлайди.

Дано ХУҲАЕВА, олий тоифали доршунос.

Шундай одамлар бор

Тупроқ билан тиллашган аёл

Орамизда шундай инсонлар борки, улар гўё илм соҳаси учун яратилгандай. Табиатнинг ўзи уларга иқтидор ато қилган. Илм йўли заҳматталаб машаққатли ишдир. Бу йўлни унча-мунча одам босиб ўтолмайди. Саботли, салоҳиятли одамгина "иғна билан қудуқ қазини" машаққатини энгиб ўта олади. Лазизахон Гафурова ҳеч иккиланмасдан илм йўлини танлаб, ота изидан борди. Таниқли тупроқшунос олим Ақром Расулов ишени давом эттирди. Талабалари йилларидаёқ Л.Гафурова ўзининг илмий иқтидорини кўрсата олди. Тупроқшунослик соҳасида олиб борган қизиқарли илмий тадқиқотлари билан соҳа билимдонларининг эътиборига тушди. Ҳқишни тугатгач, Тошкент қишлоқ хўжалиги институтида (ҳозирги Тошкент Давлат аграр университети) ишга қолдирилди. Мана салкам ўттиз йилдан буён шу олий даргоҳда фаолият кўрсатиб келмоқда. Катта лаборант сифатида иш бошлаган Лазизахон ўтган давр мобайнида илмий-педагогика соҳасининг барча погоналарини босиб ўтди. Педагогик фаолияти, қатор илмий тадқиқотлари натижаси самараси сифатида биология фанлари доктори, профессор илмий даражаларига, "Хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи" фахрий унвонига сазовор бўлди. Л.Гафурова йирик тупроқшунос олима сифатида тан олинган. Унинг тупроқ генетикиси, эрозияси, ундан унумли фойдаланиш, тупроқ ҳимояси бўйича олиб борган тадқиқотлари натижалари тупроқшунослик соҳаси ривожланишига катта ҳисса бўлиб қўшилди. Илмий қизиқиши кенг қамровли Л.Гафурова ниҳоятда иқтидорли тадқиқотчи ва энциклопедик билимлар соҳиби. Унинг эришган ютуқлари замирида изланувчанлик, илмга чанқоқлик, бировнинг дардида дармон бўлишга интилиш мўжассамдир. Олима ўз илмий фаолияти давомида 200 дан ортик асарлар - дарслик, ўқув қўлланмалари, монографиялар тайёрлади. Унинг кўплаб илмий мақолалари хорижий давлатларда ҳам чоп этилган. Чет эллардаги бир қанча номдор университетларда тупроқшунослик фанига оид лекциялар ўқиган. Шунингдек, жаҳоннинг бир қанча мамлакатларида бўлиб ўтган нуфузли халқаро илмий анжуман ва конференцияларда иштирок этиб, илмий маърузалари билан тупроқшунослик билан шуғулланувчи дунё олимларининг эътиборини қозонган. Лазизахон Гафурова педагог сифатида талабаларнинг хурмат-эътиборини қозониб келаяпти. Унинг ўнлаб шогирдлари олима изидан кетиб, ўз олдларига тупроқшунос олим бўлишни мақсад қилиб қўйдилар. Олиманинг бахти, иқболи ҳам ана шунда.


Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига! "Ўзагроташсервис" уюшмаси тизимигаги "Агроташминот-БС" очиқ акциядорлик жамияти ўз омборигаги мавжуд Россиянинг Волгоград трактор заводига ишлаб чиқарилган ВТ-150 АЕ ва Алтай трактор заводига ишлаб чиқарилган Т-4А.01 русумли занжирли ҳайдов тракторларини (омочи билан) тақлиф қилади. Тракторлар нарҳига 1 йил ёки 2000 мото/соат ишлаш мобайнида кафолатли таъмирлаш хизматлари кироди. Маҳсулотлар сертификатланган. Мурожаат учун мазил: "Агроташминот-БС" ОАЖ, Тошкент ш., Ҳамза тумани, Жарқўрган кўчаси, 43-уй. Тел.: 196-62-21, Факс: 194-51-44, 196-37-95

Халқаро математика олимпиадаси ғолиблари "Бир келиб кетинг қишлоғимизга..."

6-18 июл кунлари Словениянинг Любляна шаҳрида 47-халқаро математика олимпиадаси ўтказилди. Унда иштирок этган Қорақўл туманидаги 1-иктидорли болалар мактаб-интернати ўқувчилари Жавлонбек Бозоров ва Ўткиржон Болтаев бронза медалини кўлга киритди. Олимпиадада дунёнинг 97та давлатидан 503 нафар энг иқтидорли ўқувчилар иштирок этишди. Юртимиздан иқтидорли деб топилган 6 нафар ўқувчи қатнашиб, 2та бронза медали ва 3та рағбатлантувчи диплом билан қайтишди.

Жавлонбек Бозоров бу йилги умумтаълим фан олимпиадасининг республика босқичида муваффақиятли қатнашиб, Ўзбекистон терма жамоаси сафига олинган. эди. Бу ютуқ унга юртининг талабаси бўлди. Жавлонбек ўтган йили 2-халқаро Жаутиков олимпиадасида ҳам фаол иштирок этган эди. Халқаро олимпиадада муваффақият қозонган яна бир ўқувчи - Ўткиржон Болтаев ҳам Қорақўл туманидаги 1-иктидорли болалар мактаб-интернати ўқувчиси. У ҳозирда 10-синфни битирган. Шунингдек, ўз билим ва иқтидорларини намойиш эта олган бошқа ҳамюртларимиз ҳам ташкилий қўмитанинг дипломларига сазовор бўлишди. "Туркистон-пресс"

Олмалик кон-металлургия комбинатига қарашли "Тонг" болалар оромгоҳида айни пайтда 650 дан зиёд ўғил-қиз ёғи таътил кунларини мароқли ўтказишмоқда. Уларнинг мириқиб ҳордиқ чиқаришлари учун барча зарур шарт-шароитлар муҳайё қилинган. Каттагина кутубхона, 14 та турли тўғараклар болақонларнинг дам олиши янада мазмунли бўлишига қўмақлашяпти.



СУРАТЛАРДА: "Тонг" лавжалари. Х.АВВАЛОВ олган суратлар.

Яна "Тонг" бағридамиз...



Бош муҳаррир: ҲАҚМАТ ҲАҚМАТ. ТАХРИР ҲАЙЪАТИ: Саид АҲМАД, Ағитай АДИЛОВ, Уктам БАРОНОВ, Фахриддин ҚАЛОҶОВ, Комитон МАМАЖОНОВ, Суннат САЙДАЛИЕВ, Ҳабиб ТЕМИРОВ, Фафур ШЕРМУҲАММАД. МУАССИСЛАР: Ўзбекистон Республикаси Агроташминот комплекси таркибидеги ҳамда шу тармоққа дахлдор вазирликлар ва идоралар. ТЕЛЕФОНЛАР: Хатлар ва жамоатчилик билан алоқалар бўлими - 136-58-83, 136-56-25, Котибият - 133-95-17, Реклама ва эълонлар - 133-44-43, 136-54-44, 133-28-04, Факс - 133-44-43, 133-40-87. ВИЛОЯТ МУХБИРЛАРИ: Қорақалпоғистон Республикаси - 8-361-58-512-17, 22-35-753; Андижон - 8-374-22-234-08; Бухоро - 8-365-22-644-61; Жиззах - 8-372-22-606-34; Навоий - 8-436-22-60-525; Наманган - 8 - 369-41-234-23; Фарғона - 8-373-61-221-97; Самарқанд - 8-366-2-33-70-57; Сурхондарё - 8-376-46-526-61; Силдарё - 8-367-37-23-813; Тошкент - 8-371-136-56-21; Хоразм - 8-362-22-623-50; Қашқадарь - 8-375-22-517-65. РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР МАТНИ УЧУН БУЮРТМАЧИ ЖАВОБГАР: -тижорат мақола. МАНЗИЛИМИЗ: 700083, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. НАВБАТЧИ: Д.УЛУФМУРОДОВ. Саҳифаловчилар: Р. АҚДОРОВ, А. САФОНОВ. Бош мусаҳҳих: Ҳ.ТОШҲУҲАЕВ.